

красиво

# ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОҲАЛИГИ

ISSN 2181-502X

№3. 2016

*Миллатимиз аҳдидини,  
хусусан аграр соҳа ходимларини,  
қишлоқда яратувчилик билан машғул бўлган  
барча-барчани баҳор байрами, қувони ва шодлик  
айёми — Наврўзи олам билан муборакбод этамиз.*

*Ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз  
мўсаффо, ҳаётимиз янада фаровон,  
дастурхонларимиз тўқин-сочин бўлсин!*

**Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги**





Экиладиган уруғларни тозаланишга, унвчанлигига катта аҳамият бериш керак. Уруғнинг тозаланиши 95% бўлиши лозим. Махсар уруғини эрта баҳорда март ойининг бошида экиб, тутатиш лозим. Шунда уни ҳашаротлар кам зарарлайди, ҳосилдорлиги, дугдаги мой кўп бўлади.

Экиш меъёри уруғнинг сифати ва экиш усулларига қараб ўзгаради. Уруғи СЗТ-3,6 русумли галла сеялқаларида бир қаторлаб, оралари 30 см қилиб экилади. Экиш меъёри гектарига 25 кг, қатор ораси 45 см қилиб экилганда 18—20 кг ни ташкил этади. Шунда 1 гектар майдонда 300—350 минг донга кўчат бўлади. Тоғ ва тоғолди туманларда махсарнинг қатор орасини 30 см қилиб, гектарига 25 кг уруғ сарфланади. Уруғни 4—5 см чуқурликка ташлаш лозим. Уруғни экиш вақтида тупроқнинг ҳарорати 4—5°C бўлса, 10—15 кунда униб чиқади. Республикаимизда махсарнинг асосан «Милютинский 114» ва «Фаллорол» навлари экилади.

Лалми ерларда ниҳоллар униб чиқиши чўзилса, далалар албатта бир марта енгил борона қилинади. Бороналаш ҳамма майсалар униб чиқ-

масдан бажарилади. Агар далада ниҳоллар сони кўп бўлса, уларни яғналаш мақсадида кўндалангига енгил борона қилинади. Бу усул баъзан далани бегона ўтлардан тозалаш учун ҳам амалга оширилади. Усим-



ликлар қатор ораси 60 см, кўчатлар оралиғи 10—15 см бўлиб, экиш билан бирга азот ўғити 30—40 кг гача берилади. Эрта баҳорда нам кўп бўлган майдонларда махсар ўсимлиги ҳар хил касалликлар билан зарарланиши мумкин. Шундай ҳолатларда зараркунандаларга қарши инсектицидлар ва кимёвий ишловлар бериш керак.

Махсар лалми туманларда экилганлиги учун минерал ўғитларга кам талабчан. Бунга сабаб тупроқ қуруқ бўлганда минерал ўғитлар яхши самара бермайди. Фосфор ўғитини кўзда шудгордан олдин гектарига 30—40 кг/га бериш керак. Экиш билан биргалликда 30—40 кг азот ўғити соф ҳолда берилади. Агар экиш билан бирга азот ўғити берилмаган бўлса баҳордаги бороналашдан олдин ўсимликлар барглари 7—8 см бўлганда озиклантирилса яхши натижа беради. Махсар қисқа муддатда тўлиқ гуллаб бўлгандан кейин 20—25 кун ичида пишади.

Мойли экинларнинг етиштирилиши халқимизнинг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлиқроқ қондириш имконини беради.

**И. АНАРБАЕВ,**

*Ўсимликишунослик илмий-тадқиқот институти мойли экинлар селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияси бўлими мудири, қ.х.ф.н.*

**А. ИСРОИЛОВ,**

*«Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти ёғ-мой қорхоналари ишлаб чиқаришини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси, қ.х.ф.н.*

*Мулоҳаза, тақлиф*

## ТУПРОҚНИ ЗИЧЛАНИШДАН АСРАЙЛИК

*Тупроқ зичланиши — бу тупроқ зарраларини ўзаро яқинлашиш жараёни бўлиб, бунда унинг сув ва ҳаво эгаллаган бўш қисмини камайтириб, маълумки, экинлардан юқори ҳосил олинишини таъминловчи тупроқнинг таркиби ҳаво(25%), сув (25%) ва тупроқ зарраларидан (50%) иборат бўлиб, бу нисбатларнинг ўзгариши бевосита тупроқнинг зичланишига олиб келади.*

Тупроқнинг зичланишига табиатан зичланишига мойил тупроқлар (масалан, соз тупроқ); меъёрдан ошиқча намлик; доимо бир хил чуқурликда ишлов бериш; трактор ва бошқа иш машиналарининг юриш қисмини тупроққа босими каби омиллар қиради.

Тупроқ зичланишига энг юқори таъсир этувчи омиллардан бири — бу қишлоқ ҳўжалиги агрегатларини дала бўйлаб ҳаракати ҳисобланади. Чунки ҳар сафар агрегат дала бўйлаб юриб ишларни (тирмалаш, молалаш, чизеллаш, текислаш, уруғ экиш, экин қатор ораларига ишлов бериш ва ҳакозо) бажарганда тупроқнинг зичланиши ортиб бораверади.

Ҳайдалган майдонларда техникалар билан ҳар қандай ишни бажарилиши тупроқни қайта-қайта

ва чуқурроқ зичланишига, бу ҳолат эса ҳайдалган қатламга намликни камроқ йиғилиши (сингиши ва сақланиши) оқибатида экинлар ҳосилдорлигини пасайишига олиб келади.

Шу сабабли ҳар бир агротехник тадбирни бажаришда тупроқ зичланишини камайтириб бориш талаб этилади. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

▶ тупроқнинг зичланиши асосан техникаларни ҳаракати билан боғлиқ бўлганлиги учун илжи бори-ча далага кам ва тежамли кириш, ишларни бир-бирига боғлаб, курама агрегатлар билан ўтказиш;

▶ ҳайдалган тупроқнинг қайта зичланишини асосий қисми техникани уруғ экишдан олдин биринчи ўтишида ҳосил бўлишини ҳисобга олиб, тупроққа ишлов бериш иш-

ларини тўлиқ занжирли тракторлар ёки мумкин қадар енгил ғилдиракли тракторлар ёрдамида бажариш;

▶ ғилдиракли тракторнинг орқа ғилдиракларни орқасига махсус из юмшатгичлар ўрнатиш ва изларни камида 30 см чуқурликда юмшатиш;

▶ ҳайдалган майдонларни 2—3 йилда бир маротаба, дала четларини эса ҳар йили 45—50 см чуқурликда юмшатиб туриш;

▶ экиншдан олдин тупроққа ишлов беришда унинг намлилиги ҳамда трактор шинаси тупроқ илгичларининг ейилиш даражасига алоҳида эътибор қаратиш.

Ҳар бир агротехник тадбирни бажаришда юқорида кўрсатилган тавсияларга амал қилган ҳолда ўтказилиши, экинлар ҳосилдорлигини оширишга қулай имконият яратади, тупроқ зичланиши олди олинади.

**С. АЛИҚУЛОВ,**

*Тошкент давлат аграр университети доценти, т.ф.н.*



# ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОЎЖАЛИГИ

(«Сельское хозяйство  
Узбекистана»)  
Аграр-иқтисодий,  
илмий-оммабоп журнал

## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги  
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир  
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Шухрат ТЕШАЕВ  
Акрам АРИПОВ  
Яшин ХИДИРОВ  
Шавкат ҲАМРАЕВ  
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ  
Собиржон ЭРГАШЕВ  
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ  
Содиқжон ТУРДИЕВ  
Сандқул АРАБОВ  
Фарҳод ОМОНОВ  
Эркин ҚУДРАТОВ  
Муса АНОРБОЕВ  
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ  
Шермат НУРМАТОВ  
Ўктам УМУРЗОҚОВ  
Норқул ХУШМАТОВ  
Равшанбек СИДДИҚОВ  
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ  
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2016 йил,  
№3. Март

Журнал 1922 йил  
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:  
якка обуначилар учун — 894  
ташкилотлар учун — 895

## МУНДАРИЖА

Т. ДОЛИЕВ. Энг миллий, энг боқий, энг ардоқли .....	1
Т. ЭШНАЗАРОВ. Аграр соҳадаги ислохотларнинг қонуний асослари такомиллашмоқда .....	2
Ф. ТЕШАЕВ, Р. НАЗАРОВ. Мақбул навлар — пахтачилик истиқболи .....	3
Чигитни эртаки ва соғлом ундириб олиш мўл ҳосил гаровидир .....	4
М. ТОШБОЛТАЕВ. Агрегатларни таъмирлаш .....	8
Қ. МИРЗАЖОНОВ. Чигитни қачон эккан маъқул? .....	9
Р. СИДДИҚОВ, А. МАНСУРОВ. Март — кузги бошоқли дон экинлари ҳосилига ҳосил қўшиш оий .....	10
А. АРИПОВ. Замонавий усуллар — мўл ҳосилга замин .....	11
Р. АБДУЛЛАЕВ, Ж. АГЗАМХОДЖАЕВ, М. ИСРОИЛОВ. Боғбон баҳорга пешвоз чиқмоқда .....	13
Р. ҲАКИМОВ, Ф. РАСУЛОВ, Р. НИЗОМОВ. Эрта эккан эрта йиғади .....	14
И. АНАРБАЕВ, А. ИСРОИЛОВ. Мойли экинларни экиш ва парваришlash .....	16
С. АЛИҚУЛОВ. Тупроқни зичланишдан асрайлик .....	17
Д. ЁРМАТОВА. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида деҳқончилик самарадорлигини ошириш омиллари .....	19
Х. МИРЗАЕВ. Ширинмия — бизнинг женьшень .....	21
Ж. ПИРИМҚУЛОВ. Инвестициялар — тараққиёт омили .....	23
Спортчи аёлларимиз — голиб .....	24
Д. МАРАСУЛОВА. Илмдан саодат топиб .....	26
Ш. АБДУРАҲМОНОВА. Бахтли жамиятнинг бахтли аёли .....	27
М. ФАЙЗИЕВ. Зумрадхоннинг жасорати .....	28
Ш. СОДИҚОВА. Улия опанинг саодати .....	29
К. ЭРГАШЕВ. Чемпионнинг онаси .....	31
Меҳнатга яраша рағбат .....	32
Б. ТОШНАЗАРОВ. Интилганга омад ёр .....	32
К. ЭРГАШЕВ. Сув келтирган элда азиз .....	34
К. ҲАЙИТОВ. Наслли мол — асл мол .....	35
Ф. МИРЗАЕВ. Миллионер хонадонлар .....	36
Х. КАРИМОВ. Имтиёзлар имкониятлар яратмоқда .....	37
Ш. ЖАББАРОВА. Баҳорни уйғотган қадамлар .....	39
Ф. МИРЗАЕВ. Ишчиларга намунали уйлар .....	40
Н. ИРНАЗАРОВА. Кузги бугдойни азот билан озиклантириш .....	42
Ш. ТЕМИРОВА, Н. ШАРИПОВА. Замон кўзгусидаги марказ .....	43
А. ҲАМЗАЕВ. Тоғ ва тоғолди минтақалар эртаги картошкаси .....	44
Я. АЛИЕВ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини мутаносиб ривожлантириш .....	45
Ш. АЗИЗОВ. Қишлоқ хўжалигида қўшилган қийматнинг шаклланиши .....	46
Ж. МАХМУДОВ. Баҳор илҳомлари .....	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 0158-рақам билан рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент  
Шайхонтоҳур тумани,  
А. Навоий кўчаси, 4-уй.  
Тел/факс: 241-50-21.  
241-30-92, 241-61-07.  
www.qxjournal.asia  
E-mail: qxjournal@qsxv.uz,  
uzqx\_jurnal@mail.ru

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2016 йил 26 февраль. Босишга руҳсат этилди: 2016 йил 29 февраль. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма № 091. Нухаси 5200 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК  
босмаҳонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,  
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: Х. МИРЗАЕВ  
Дизайнер: Н. БОЛТАЕВА